

**СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ДИНГА МУНОСАБАТИ ВА УНИНГ ЗАРАРЛИ
ТОМОНЛАРИ**

Олломурадов Нурали Ёқуб ўғли

ТерДУ магистр

Аннотация. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилликни қўлга киритгач, маънавий-марифий ҳаётда ижобий туб бурилиш юз берди. Шу жумладан, ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихи унинг моддий ва манавий меросини ўрганишига алоҳида эътибор қаратилиши имконияти пайдо бўлди. Янги Ўзбекистон тарихининг кейинги йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида очиқлик, ошкоралик ва диний қадриятларнинг замон талаблари доирасида тикланиши туфайли илмий тадқиқот обьекти сифатида кенг ўрганилаётган тадқиқ этилаётган даврларидан бири ҳам бу Совет даврининг дин ва диний қадриятларга бўлган муносабати тарихидир.

Калит сўзлар: Совет Иттифоқи, Ўзбекистон ССР, Ислом, большевик, масжид, атеизм, Бухорода, Мир Араб, Ўрта Осиё, компартия.

Кириш: XX асрнинг 20-30-йилларида совет ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий сиёсати соҳасидаги маъмурий-буйруқбозлик тизимини қарор топтиришга қаратилган кескин ўзгаришлари жамиятда барча табақалар сингари диний уламоларга ҳам катта зарба берди. Диндорлар ва дин аҳларига қилинган ошкора тажовуз узоқ вақт ўзларини ўнглай олмайдиган даражада салбий таъсир қилди.

Асосий қисм: Совет Иттифоқида Ислом иккинчи энг йирик дин бўлган. Иттифоқ таркибига кирган 15 республиканинг олтитасида, яъни Озарбайжон ССР, Тоҷикистон ССР, Туркменистон ССР, Қирғизистон ССР, Қозоғистон ССР ҳамда Ўзбекистон ССРда мусулмонлар асосий аҳоли гуруҳини ташкил қилган. Шунингдек, Волга ва Урал дарёлари соҳилларида ҳамда Россия СФСРнинг шимолий Кавказ ҳудудида кўплаб мусулмонлар яшаган [1].

Совет Иттифоқини тузишда большевиклар собиқ Россия империясининг барча ҳудудларини сақлаб қолишга уринди. Натижада Ислом кенг тарқалган ҳудудларда коммунизм ўрнатиш уринишлари қаршиликка дучор бўлди. Большевиклар бошида Совет ҳокимияти ҳали чукур ўрнашмагани ҳамда мусулмонлар орасида инқилоб ғояларини тарғиб қилиш истаги туфайли Исломга қарши кескин курашмади. Аммо собиқ Россия Империясининг чекка ҳудудларида совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин, 1930-йилларга келиб большевиклар кўп сонли масжидларни ёпди ва бузиб ташлади, кўплаб имом ва дин пешволарини қирғин қилди. 1930-йиллар якунигача мусулмон таълим тизимлари тугатилди, араб ёзувидаги кўплаб диний манбалар йўқ қилинди [2].

Совет Иттифоқи ҳукумати фаол тарзда атеизмни тарғиб қилди. Шундай бўлсада, юқорида тилга олинган олти мусулмон мамлакатда аҳоли дин амалларини

бажаришига қисман рухсат берилди. Йирик шаҳарларда масжидлар ўз фаолиятини давом эттирди, аммо уларнинг сони 1917-йилда 25 мингни ташкил қилган бўлса, 1970-йилларга келиб бу кўрсаткич 500 га тушиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда динга қўйилган чекловлар нисбатан юмшатилди. 1946-йил Бухорода Мир Араб мадрасаси фаолияти тикланди. 1946–1956 ва 1961–1989-йилларда ушбу мадраса Совет Иттифоқидаги ягона исломий ўрта таълим муассасаси бўлган [3].

1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб фаол тарзда илмий атеизмни тарғиб қилиш ҳаракатларидан воз кечилди ва диний чекловларнинг айримлари бекор қилинди. Айнан шу даврда аввал ёпилган масжидлар очилди, Куръон Ўрта Осиё ҳалқлари тилларига таржима қилинди. Хусусан, Ўзбекистон ССРда „Шарқ юлдзу“ журналида Куръоннинг Алоуддин Мансур қилган ўзбекча таржимаси чоп этилди. 1989-йил совет ҳукумати Уфа ва Боку шаҳарларида оз сонли имомлар таҳсил олишига изн берилишини эълон қилди [4].

1980-йиллар якунига келиб Совет Иттифоқида 45-50 миллион одам ўзини мусулмон деб ҳисоблаган. Бунга қарамасдан, масжидлар сони 500 дан ошмади, расман рўйхатдан олинган масжид ва мадрасалар ташқарисида диний фаолият ман этилди. Расмий диний муассасалар фаолиятини совет ҳукумати тузган тўрт диний бошқарма назорат қилди. Ўрта Осиё ва Қозогистон, Европа Совет Иттифоқи ва Сибир ҳамда Шимолий Кавказ ва Догистон мусулмонлари диний бошқармалари сунний мусулмонлар фаолиятини назорат қилди, Кавказорти мусулмонлари диний бошқармаси эса ҳам суннӣлар, ҳам шиалар диний фаолиятини назорат қилди. Совет Иттифоқидаги мусулмонларнинг 90 фоизи сунний бўлган, қолган 10 фоизи шиа бўлиб, улар асосан Озарбайжон ССРда истиқомат қилган Советлар ҳукумати ва компартия Туркистонда октябр ҳарбий тўнтаришини амалга оширган биринчи кундан бошлаб ҳалқимизнинг миллий-диний қадриятларини ғорат қилиш йўлини тутди. Бу моҳияттан тушунарли ҳолдир. Чунки, қизил мустамлакачилар ҳалқимизни миллий ва диний маънавиятини ўзгартирмасдан туриб бу ўлкада узоқ муддатда хукмронлик қила олмасликларини яхши билар эдилар. Аммо бу ишни большевиклар бирданига эмас, айёрларча, аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириб бордилар.

Россия Совет Республикаси XК совети 1917-йил, 20-ноябрда эълон қилган ва В.И.Ленин имзолаган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз... бундан буён эркин ва дахлсиз...» деб эълон қилинди [5].

1918-йил, 23-ноябрда эса В.И.Ленин имзоси билан черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш ҳақида декрет эълон қилинди. Бу декрет РСФСР ва СССР Конституциялари асосида тузилган Ўзбекистон ССРнинг 1927- ва 1937-йилларда қабул қилинган Конституциялари учун асос қилиб олинди ва виждан эркинлиги ғояси илгари сурилди. Амалда эса мутлақо бошқа қонунлар хукмронлик қилди. Лениндан кейинги иккинчи киши ҳисобланган Тротский большевикларнинг динга қарши кураш тадбирларини бузиш борасида кўпгина бемаъниликлар, тутуриқсизликлар қилган. Дастурга кўра динга қарши кураш маорифат, маърифат,